

ISSN 2181-2764  
2026



# SHARQ FILOLOGIYASI JURNALI



# ВОСТОЧНЫЙ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ



# ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**FUNCTIONAL-STYLISTIC CHARACTERISTICS OF NEUTRAL INFORMATIVE  
SPEECH VERBS IN ARABIC MEDIA DISCOURSE****Akbarali A. Akbarov***PhD Student**Department of Arabic Studies**Tashkent State University of Oriental Studies*[9718@gmail.com](mailto:9718@gmail.com)*Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Arabic media discourse, speech verbs, **قَالَ**, **ذَكَرَ**, mass media language, functional-stylistic features, information source, journalistic text.

**Received:** 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

**Abstract:** This article examines the functional and stylistic features of neutral speech verbs used to convey information in Arabic media discourse. The study analyzes the semantic, syntactic and pragmatic characteristics of the verbs **قَالَ** “to say” and **ذَكَرَ** “to mention”, which are widely used in mass media texts. Particular attention is given to their role in indicating information sources, distancing the author’s position, and ensuring the structural coherence of media texts. The analysis demonstrates that these verbs function as important linguistic tools for presenting information in an objective and fact-based manner in Arabic media discourse.

**АРАБ МЕДИАДИСКУРСИДА НЕЙТРАЛ ХАРАКТЕРГА ЭГА АХБОРОТ-  
БИЛДИРИШ ФЕЪЛЛАРИ ФУНКЦИОНАЛ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ****Акбарали А. Акбаров***Таянч докторант**Арабишунослик олий мактаби**Тошкент давлат шарқишунослик университети**akbarjon. [9718@gmail.com](mailto:9718@gmail.com)**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** араб медиадискурси, нутқ феъллари, **قَالَ**, **ذَكَرَ**, оммавий ахборот воситалари тили, функционал-услубий хусусиятлар, ахборот манбаси, журналистик матн.

**Аннотация:** Ушбу мақолада араб медиадискурсида ахборотни нейтрал тарзда ифодаловчи нутқ феълларининг функционал-услубий хусусиятлари таҳлил қилинади. Тадқиқотда оммавий ахборот воситалари матнларида энг кўп

қўлланиладиган قال “айтмоқ, демоқ” ва ذَكَرَ “тилга олмоқ, қайд этмоқ” феълларининг семантик, синтактик ва прагматик жиҳатлари кўриб чиқилади. Шунингдек, ушбу феълларнинг ахборот манбасини кўрсатиш, муаллиф позициясини масофалаштириш ҳамда матннинг структуравий яхлитлигини таъминлашдаги роли ёритилади. Таҳлил натижалари араб медиадискурсида мазкур феъллар ахборотни объектив ва фактларга асосланган ҳолда етказишда муҳим лингвистик восита сифатида намоён бўлишини кўрсатади.

## ФУНКЦИОНАЛЬНО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ НЕЙТРАЛЬНЫХ ГЛАГОЛОВ СООБЩЕНИЯ В АРАБСКОМ МЕДИАДИСКУРСЕ

**Акбарали А. Акбаров**

Докторант

Высшая школа арабистики

Ташкентский государственный университет востоковедения

[9718@gmail.com](mailto:9718@gmail.com)

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** арабский медиадискурс, глаголы речи, قال, ذَكَرَ, язык СМИ, функционально-стилистические особенности, источник информации, журналистский текст.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются функционально-стилистические особенности нейтральных глаголов речи в арабском медиадискурсе. В исследовании анализируются семантические, синтаксические и прагматические характеристики глаголов قال «сказать» и ذَكَرَ «упоминать», широко используемых в текстах средств массовой информации. Особое внимание уделяется их роли в указании источника информации, дистанцировании авторской позиции и обеспечении структурной целостности медиатекста. Результаты анализа показывают, что данные глаголы выступают важным лингвистическим средством передачи информации в объективной и фактологической форме в арабском медиадискурсе.

**Кириш.** Замонавий оммавий ахборот воситалари жамиятда ахборот алмашинуви, фикр шаклланиши ва ижтимоий муносабатларнинг ташкил топишида муҳим ўрин тутди. Бу жараёнда медиа матнлар тил воситалари орқали ахборотни етказиш, уни талқин қилиш



ҳамда аудитория онгига таъсир ўтказиш функцияларини бажаради. Шу сабабли медиаматнларнинг лексик-грамматик хусусиятларини, айниқса, нутқни ифода этувчи феълларнинг қўлланилишини ўрганиш замонавий тилшуносликда муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади.

Араб медиадискурсида ахборотни етказиш, манбага ишора қилиш ва турли субъектлар фикрларини баён қилиш жараёнида нутқ феъллари алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, قال “айтмоқ, демоқ” ва ذَكَرَ “тилга олмоқ, қайд этмоқ” каби феъллар ахборотни нейтрал тарзда ифода этувчи асосий лингвистик воситалар сифатида намоён бўлади. Бу феъллар журналистик матнда ахборот манбасини белгилаш, муаллиф позициясини маълум даражада масофалаштириш ва матннинг прагматик тузилишини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Медиалингвистика соҳасидаги тадқиқотларда нутқ феъллари оммавий ахборот воситалари матнларининг муҳим таркибий унсурларидан бири сифатида талқин қилинади. Улар ахборот манбаларини кўрсатиш, турли нуктаи назарларни баён қилиш ҳамда матн қисмлари ўртасидаги мазмуний боғланишни таъминлашда фаол иштирок этади (Dobrosklonskaya, 2008; Kostomarov, 1974). Шу билан бирга, нутқ феълларининг услубий хусусиятлари турли тиллардаги медиа матнларида алоҳида тадқиқ этилган (Akhmedova, 2019; Glomali, 2014).

Шу нуктаи назардан, мазкур тадқиқотда араб медиадискурсида нейтрал характерга эга ахборот-билдириш феълларининг функционал-услубий хусусиятларини таҳлил қилиш мақсад қилинган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Медиалингвистика соҳасида нутқ феълларининг қўлланилишини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар бир қатор олимлар томонидан амалга оширилган. Хусусан, Т.Г. Добросклонская оммавий ахборот воситалари тилини комплекс равишда ўрганиб, медиаматнда ахборот манбасини кўрсатиш ва матннинг диалогик хусусиятини таъминлашда нутқ феълларининг муҳим рол ўйнашини таъкидлайди (Dobrosklonskaya, 2008). В.Г. Костомаров эса оммавий коммуникация тилининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, журналистик матнда ахборотни етказиш жараёнида манбага ишора қилиш ва фикрларни тақдим этишда нутқ феълларининг фаол қўлланилишини қайд этади (Kostomarov, 1974).

Шунингдек, турли тиллардаги медиа матнларда нутқ феълларининг услубий хусусиятлари ҳам алоҳида ўрганилган. Жумладан, Д.Р. Ахмедова форс тилидаги газета матнларида нутқ феълларининг функционал-услубий хусусиятларини таҳлил қилган бўлса

(Akhmedova, 2019), Ш.Х. Гломали рус электрон оммавий ахборот воситаларида “айтмоқ” ва “демоқ” маъносидаги феълларнинг қўлланишини тадқиқ этган (Glomali, 2014).

Ушбу тадқиқотда араб оммавий ахборот воситаларида чоп этилган материаллар таҳлил объекти сифатида танланди. Тадқиқот материали сифатида Al-Anba, Al-Jarida ва Al-Riyadh каби араб газеталари ҳамда айрим расмий интернет манбаларидаги медиаматнлардан олинган мисоллардан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида тавсифий, қиёсий ва дискурсив таҳлил усуллари қўлланилди. Бу усуллар нутқ феълларининг семантик, синтактик ва прагматик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг медиаматндаги функционал ролини белгилаш имконини берди.

Натижалар. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, араб медиадискурсида ахборотни нейтрал тарзда ифода этувчи нутқ феъллари муҳим функционал вазифани бажаради. Хусусан, قال феъли медиаматнларда ахборот манбасини кўрсатиш ва муайян шахс ёки ташкилот баёнотини узатишда энг кўп қўлланиладиган лингвистик воситалардан бири ҳисобланади. Унинг қўлланилиши журналистик матнда муаллиф позициясини маълум даражада масофалаштиришга ҳамда ахборотни холис тарзда тақдим этишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ذَكَرَ феъли ҳам медиаматнларда ахборотни институционал манбага нисбатлаш орқали унинг нейтрал ва расмий характерини кучайтириш вазифасини бажаради. Бу феъл одатда مصادر, تقرير, بيان каби лексемалар билан бирикма ҳосил қилиб, ахборотнинг муайян манбага таянаётганини кўрсатади. Натижада медиаматнда ахборот манбаси ва журналистик баён ўртасида муайян коммуникатив масофа сақланади.

Тадқиқот материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур нутқ феъллари медиаматнда фақат ахборотни етказиш воситаси бўлиб қолмай, балки матннинг структуравий ташкил этилишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Улар хабар, шарҳ ва таҳлил қисмлари ўртасида мантикий боғланиш яратишга хизмат қилиб, медиаматннинг когерентлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан, قال ва ذَكَرَ феъллари замонавий араб медиадискурсида ахборотни фактларга асосланган ҳолда тақдим этиш ва журналистик баёнда коммуникатив масъулият тамойилларини таъминлашда муҳим лингвистик воситалар сифатида намоён бўлади.

Араб медиа дискурси тил ва жамият, ахборот ва талқин, холислик ва яширин таъсир ўртасидаги мураккаб муносабатларни акс эттирувчи муҳим коммуникатив майдон ҳисобланади. Ушбу дискурсни тўлиқ англаш учун унинг лексик-семантик ва прагматик асосини ташкил этувчи тил воситаларини, хусусан, нутқ феълларини чуқур ўрганиш зарур.

Нутқ феъллари орасида قال “айтмоқ, демоқ, гапирмоқ” феъли араб оммавий ахборот воситалари тилида энг фаол ва кенг қўлланиладиган бирликлардан бири ҳисобланади. У

ўзининг нисбатан нейтрал семантикаси, юкори функционал салоҳияти ва услубий мослашувчанлиги билан ажралиб туради. قال феъли фақатгина ахборот етказиш воситаси бўлиб қолмасдан, балки медиа матнни ташкил этиш, манбага ишора қилиш, маънони қайта шакллантириш ва аудитория онгига таъсир ўтказишда муҳим рол ўйнайди.

Араб тилининг классик ва замонавий луғат манбаларида قال феъли асосан нутқни ифода этиш, фикр билдириш, хабар бериш, маълумот етказиш маъноларида изоҳланади. У Қуръони карим, ҳадислар, бадий ва илмий матнларда фаол қўлланилиши натижасида умумараб нутқ амалиётида марказий ўрин эгаллаб келмоқда.

Мазкур феълнинг бошқа нутқ феълларидан фарқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- 1) маъно жиҳатидан умумийликка эгаллиги;
- 2) баҳоловчи (позитив ёки негатив) семантиканинг мавжуд эмаслиги;
- 3) контекстга қараб семантик кенгайиш имконияти.

Араб медиаматнларида قال “айтмоқ, демоқ, гапирмоқ” феъли репрезентатив функцияни бажариб, учинчи шахсга оид фикр ёки баёнотни муаллифнинг очик баҳосиз тарзда узатишни таъминлайди, экспрессив ёки модал жиҳатдан рангланган нутқ феълларидан (يَنْ “баён қилмоқ, тушунтирмоқ”, أَكَّدَ “асосламоқ, таъкидламоқ, тасдиқламоқ” ва бошқалар) фарқли ўлароқ, “айтмоқ, демоқ, гапирмоқ” феъли семантик умумийлик ва ички талқиннинг йўқлиги билан характерланади. Айнан мана шу нейтраллик уни объективлик ва фактуалликка йўналтирилган янгиликлар дискурсининг универсал воситасига айлантиради, медиа дискурсида устувор қўлланилишига сабаб бўлади.

قال феъли медиа матнда энг аввало ахборотни аниқ манбага нисбатлаш вазифасини бажаради. Бу орқали хабар ёки фикр муайян шахс, ташкилот ёки расмий манба номи билан боғланади. Натижада журналист нутқи билан ахборот манбаси нутқи ўртасида аниқ чегара ҳосил бўлади. Ушбу функция медиа дискурсида шартли холислик тамойилини таъминлашга хизмат қилади.

Медиаматнларда قال феъли ахборотни узатиш жараёнида фақат нутқ актини ифодалаш билан чекланиб қолмай, балки хабар манбасини аниқ белгилаш орқали матннинг прагматик тузилишида муҳим функционал юкни бажаради. Амалий материалларда ушбу феъл, асосан, قَالَ الْمُتَحَدِّثُ (деди вакил), قَالَ مُصَدِّرٌ (деди манба), قَالَ الْمَسْئُولُ (деди масъул) каби қолипларда қўлланиб, ахборотнинг муайян шахс ёки институционал субъектга таянаётганини очик-ойдин кўрсатади. Мазкур қолипларнинг қўлланилиши журналистик баёнотни расмийлаштиришга хизмат қилиши билан бирга, муаллифнинг ахборот мазмунига нисбатан шахсий муносабатини чеклашга имкон беради. Яъни, хабар таркибида

келтирилган фикр ёки маълумот журналистнинг позицияси сифатида эмас, балки гапирувчи субъектнинг баёноти сифатида қабул қилинади. Бу эса ахборотнинг ҳаққонийлиги ёки баҳоловчанлиги учун жавобгарликни муаллифдан гапирувчи шахсга кўчириш имконини яратади.

و قال بيان صادر عن وزارة الداخلية إنّ ضبط المتهم و هو سعودي الجنسية يدعى "ف. م. ر." جاء اثر رصد و متابعة دقيقة من قبل رجال الإدارة العامة لمكافحة المخدرات و عقب المتابعة و الرصد الدقيق (Al-Anba, 2025, September 3, p. 16)

Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган баёнотда айтилишича, Саудия Арабистони фуқароси бўлган ва “Ф.М.Р.” деб аталган гумонланувчининг қўлга олинishi Наркотикларга қарши кураш бош бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилган аниқ кузатув ва синчковлик билан амалга оширилган назорат натижасида, шунингдек, пухта кузатув ва изчил текширувдан сўнг амалга оширилган.

قالت المصادر إن الوزارة ماضية في خطة تدوير رؤساء لجان الإختبارات (مديري المدارس الثانوية)، حيث تم سيتم اعتماد قرارات تدويري رؤساء اللجان التي تحدد أسماء اللجان المكلف بها كل مدير مدرسة ثانوية في الإختبار.

(Al-Jarida, 2025, December 28, p. 3)

Манбаларнинг маълум қилишича, вазирлик имтиҳон қўмиталари раисларини (ўрта мактаб директорларини) ротация қилиш режасини амалга оширишда давом этмокда. Шу муносабат билан ҳар бир ўрта мактаб директориға имтиҳон жараёнида қайси қўмита юклатилиши белгиланган ротация қарорлари тасдиқланиши кўзда тутилмокда.

قال феъли орқали ифодаланган бундай нутқий конструкциялар медиадискурсда муаллиф позициясининг нейтраллашувига олиб келади ҳамда ахборотни шахсий баҳолаш унсурларидан холи ҳолда тақдим этишни таъминлайди. Натижада мазкур феъл медиакоммуникация жараёнида ахборот манбаси, баёнот мазмуни ва жавобгарлик ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи амалий восита вазифасини ўтайди.

Бу феъл медиа матннинг ички тузилишини шакллантиришда ҳам иштирок этади. У воқеадан шарҳга, хабардан таҳлилға ўтишда, маълумотлар ўртасида мантикий боғланиш яратишда хизмат қилади. Шу жиҳатдан у матн боғловчи (дискурсив) восита сифатида намоён бўлади.

Услубий жиҳатдан шуни таъкидлаш лозимки, قال феъли медиаматнларда асосан бевосита ва билвосита нутқ доирасида фаол қўлланади ва шакл танлови прагматик таъсирга бевосита таъсир кўрсатади. قال феъли ёрдамида киритилган бевосита нутқ ишончилилик ва “иштирок этиш” эффеқтини кучайтириб, ўқувчида ахборот манбаси сўзларига бевосита

муружаат қилинаётгандек тасаввур уйғотади. Билвосита нутқ эса, аксинча, ахборотни сиқилган ҳолда бериш ва матннинг юқори даражадаги нейтраллашувига хизмат қилади, бу эса айниқса янгилик хабарлари ва расмий ахборот матнларига хосдир.

Медиадискурда قال феълининг замон шакли ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Энг юқори частотали шакл ўтган замон (قال “деди, айтди”) бўлиб, бу янгилик хабарининг хроникал характерига мос келади ва яқунланган нутқий актни қайд этади.

و قالت مسؤولية السياسة الخارجية بالاتحاد الاوروبي كايا كاللس : "أوروبا تنفق مبالغ قياسية على الدفاع للحفاظ على سلامة شعوبنا ، و لن نتوقف عند هذا الحد"

(Al-Anba, 2025, September 3, p. 1)

Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат бўйича масъули Кая Каллас шундай деди: “Европа халқларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш учун мунофаа соҳасига жуда катта маблағлар сарфламоқда ва биз бу билан чекланиб қолмаймиз”.

قال سليمان الحمود مدير إدارة التخطيط بقطاع الشركات في Ooredoo الكويت : "تعمل الشركة على أن تكون حلقة وصل فاعلة بين قطاع الأعمال و أحدث التقنيات العالمية ، من خلال تطوير و إطلاق حلول رقمية مبتكرة تدعم كفاءات الشركات ، و تسهم في تسريع وتيرة التحول الرقمي".

(Al-Jarida, 2025, December 28, p. 9)

“Ooredoo Kuwait” компаниясининг корпоратив секторни режалаштириш бошқармаси директори Сулаймон ал-Ҳамуд шундай деди: “Компания бизнес сектори билан энг сўнгги жаҳон технологиялари ўртасида самарали боғловчи бўгин бўлишга интилади. Бу эса компаниялар салоҳиятини қўллаб-қувватлайдиган ва рақамли трансформация жараёнини жадаллаштиришга хизмат қиладиган инновацион рақамли ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали амалга оширилмоқда”.

وقال: " إن قرارات وتوصيات اليوم ستشكل لجنة جديدة في مسيرة مجلس التعاون المباركة، وأن ما تضمنه جدول الأعمال من عمق واتساع يعكس ، بحجاء الثقل الإقليمي والدولي لمجلس التعاون، ويرسخ حقيقة أن ما حققته دول المجلس من إنجازات على طريق التكامل الخليجي - و هو ما يصبو اليه قادة دول المجلس، يمضي بثبات في الاتجاه الصحيح، متسقاً مع تطلعات الشعوب الخليجية وطموحاتها نحو مزيد من الترابط والازدهار".

(Al-Riyadh, 2025, December 1, p. 1)

У шундай деди: “Бугун қабул қилинган қарор ва тавсиялар Ҳамкорлик Кенгаши тараққиёти йўлида янги бир пойдевор бўлиб хизмат қилади. Кун тартибида қамраб олинган масалаларнинг мазмунан чуқур ва қўлам жиҳатидан кенг экани Ҳамкорлик Кенгашининг минтақавий ва халқаро миқёсдаги нуфузини яққол акс эттиради ҳамда Кенгашга аъзо давлатлар томонидан кўрфаз интеграцияси йўлида қўлга киритилган ютуқлар ҳақиқатан



ҳам мустаҳкам асосга эга эканини янада мустаҳкамлайди. Бу эса Кенгаш давлатлари раҳбарлари интилаётган мақсад бўлиб, мазкур жараён қатъият билан тўғри йўналишда давом этмоқда ва кўрфаз халқларининг янада кучли ҳамжиҳатлик ва фаровонликка бўлган интилиш ҳамда умид-орзуларига уйғун келади”.

قلت في حينه من على هذا المنبر وغيره إنها تجربة، وسوف نراجعها ونقيّمها ونستخلص النتائج منها.

(Shura Council of Qatar, 2024, October 15)

Мен ўша пайтда ушбу минбар ва бошқа минбарлар орқали бу тажриба эканини айтган эдим; биз уни қайта кўриб чиқамиз, баҳолаймиз ва ундан тегишли хулосаларни чиқарамиз.

Бироқ таҳлилий ва шарҳловчи материалларда ҳозирги - келаси замон шаклларида (يقول “гапиряпти”, “айтяпти”) фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Мазкур ҳолат, одатда, матнда баён этилаётган ахборотнинг долзарблигини кучайтириш ҳамда воқеани ўқувчи учун яқинлаштириб кўрсатишга хизмат қилувчи актуаллаштириш эффекти билан изоҳланади. Бу эса журналистик матнларда кенг қўлланадиган “журналистик ҳозирги замон” услубий стратегияси билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шунга қарамай, айнан “айтди” шакли асосий, услубий жиҳатдан нейтрал модел мақомини сақлаб қолади.

وأقول: "فلنجعل هذه اللحظة التاريخية، بداية جديدة، لحياة تسودها العدالة والتعايش السلمي، دعونا نتطلع سوياً، لمستقبل أفضل لأبناء بلادنا معاً، مدوا أيديكم، لتتعاون في تحقيق السلام العادل والدائم، لجميع شعوب المنطقة".

(Presidency of Egypt, 2025, October 13)

Мен айтаман: келинг, ушбу тарихий онни адолат ва тинч-тотув яшаш ҳукм сурадиган ҳаёт учун янги бошланишга айлантирайлик. Келинг, юртимиз фарзандлари учун яхшироқ келажак сари биргаликда интилайлик. Қўлларингизни чўзинг, минтақанинг барча халқлари учун адолатли ва барқарор тинчликни рўёбга чиқариш йўлида ҳамкорлик қилайлик.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, билвосита нутқ ахбороти ихчам ва умумлаштирилган тарзда узатишга хизмат қилади ҳамда матнда юқори даражадаги нейтралликни таъминлайди. Бу ҳолатда феъли қўшма гап таркибида келади ва аниқловчи эргаш гапга  $\text{قال} + \text{إن} - \text{ки}$  юклама-боғловчиси орқали боғланади.

Медиадискурда  $\text{قال} + \text{إن} + \text{гап}$  феъли билвосита гапда одатда:  $\text{قال} + \text{إن} + \text{гап}$  қолипида келади. Бу қолиплар араб ахборот услуби учун меъёрий ҳисобланади.

و قال الرئيس ترامب إن إدارته ستطلب من المحكمة العليا البت سريعاً في قضية الرسوم الجمركية، و شدد على أن الملف بالغ الأهمية، محدراً من أي قرار خاطئ سيكون كارثة للولايات المتحدة.

(Al-Jarida, 2025, December 4, p. 10)

Президент Доналд Трамп унинг маъмурияти божхона тарифлари масаласи бўйича ишни тезкор тарзда ҳал этишни Олий суддан сўрашини айтиб, мазкур иш ниҳоятда муҳим эканини таъкидлади ва ҳар қандай нотўғри қарор Қўшма Штатлар учун фожиага айланишидан огоҳлантирди.

و قال إنّ الصناعة المحتوى الهادف ليست مجرد ممارسة إعلامية، بل هي رسالة و مسؤولية، لأنها تسهم في تشكيل وعي الأجيال، و حماية اللغة، و ترسيخ قيم التسامح و الإنفتاح. الجريدة.

(Al-Jarida, 2025, December 4, p. 13)

У мазмунли (мақсадли) контент ишлаб чиқариш шунчаки оммавий ахборот фаолияти эмас, балки у бир миссия ва масъулият эканлиги, чунки у авлодлар онгини шакллантиришга, тилни муҳофаза қилишга ҳамда бағрикенглик ва очиклик қадриятларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишини айтди».

Медиамаатнларда قال феъли мураккаб феъл замонлари таркибида келиш ҳолатлари ҳам учрайди. Лекин улар жуда кам.

و كان السيسي قال في كلمة خلال الإحتفال بذكرى مولد النبوي الشريف أقيم بمركز المنارة للمؤتمرات الدولية: "أطمئن الشعب المصري العظيم على يقظتنا و إدراكنا ، لما يدور حولنا و يُحاك ضدنا".

(Al-Jarida, 2025, December 4, p. 13)

Ас-Сисий Халқаро анжуманлар маркази — “Манара”да Мавлид ан-Набий (с.а.в.) муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Мен буюк миср халқини атрофимизда бўлаётгани ва бизга қарши уюштирилаётган нарсаларни сергаклик билан кузатаётганимиз ва англаб турганимиз борасида хотиржам қилмоқчиман”.

Рус ва ўзбек медиалингвистика мактаби вакиллари (Т.Г.Добросклонская, В.Г.Костомаров, Д.Р.Ахмедова, Г.Х.Шейхи) ҳам нутқ феълларини оммавий ахборот воситалари матнларининг муҳим таркибий унсурлари сифатида талкин қиладилар. (Dobrosklonskaya, 2008, p. 85; Kostomarov, 1974, p. 48-57; Akhmedova, 2019, p. 110-120; Glomali, 2014, p. 214-217) Хусусан, “демоқ, айтмоқ” феълнинг матн ҳосил қилувчи функцияси таъкидланиб, мазкур феъллар ахборот манбаларини кўрсатиш, турли субъектлар фикрларини келтириш ҳамда баён жараёнида матн қисмлари ўртасидаги мазмуний ва мантикий боғлиқликни таъминлашда фаол қўлланади. Шу жиҳатдан, улар медиамаатннинг боғлиқлиги ва диалогик хусусиятини таъминловчи лисоний воситалардан бири сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, ушбу нутқ феъллари оммавий ахборот воситалари дискурсига хос бўлган кўп овозли ахборот маконини шакллантиришда ҳам муҳим вазифани бажаради. Натижада, бир медиамаатн доирасида турли нуктайи назарлар бир вақтнинг ўзида келтирилади ва ўзаро муносабатга киришади. Бироқ мазкур нуктайи

назарлар матнда ёнма-ён ифодаланишига қарамай, уларнинг коммуникатив аҳамияти ва баёний мақоми бир хил даражада тенглаштирилмайди.

Араб медиа дискурсида ذَكَرَ “эсламоқ, эслаб ўтмоқ; гапириб бермоқ” феъли нутқ феъллари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда ахборотни нейтрал тарзда ифода этувчи асосий воситалардан бири сифатида намоён бўлади. قَالَ феъли тўғридан-тўғри нутқ жараёнини белгиласа, ذَكَرَ эса айни нутқ актини эмас, балки маълумотнинг тилга олинishi ёки қайд этилишини англатади. Шу жиҳатдан у ахборотни холис ва институционал манбага боғланган ҳолда тақдим этишда самарали восита ҳисобланади. Замонавий араб оммавий ахборот воситалари матнларида мазкур феълнинг кенг қўлланилиши журналистик услубнинг объективлик ва масофалилик тамойиллари билан боғлиқдир.

Семантик нуқтаи назардан ذَكَرَ феълининг асосий маъноси “тилга олмоқ”, “қайд этмоқ”, “эслатмоқ” тушунчалари билан боғлиқ. Классик араб тилида у “эсламоқ” маъносида ҳам қўлланган бўлса-да, медиа дискурсида функционал семантик торайиш кузатилади ва феъл асосан “хабар бермоқ”, “маълум қилмоқ”, “таъкидламасдан қайд этмоқ” маъноларида ишлатилади. Масалан, ذكرت الوزارة في بيانها أن الخطأ ستبدأ قريباً – “Вазирлик ўз баёнотида режа яқин орада бошланишини айтди” жумласини таҳлил қилганда, ахборот манбаи сифатида вазирлик кўрсатилади ва маълумот холис тарзда тақдим этилади. Бу ерда феъл ахборотни муаллиф нуқтаи назаридан эмас, балки институционал манба номидан баён қилиш имконини яратади.

Синтактик жиҳатдан медиа матнларда энг кўп учрайдиган қолип

– ذكرت الشرطة أن التحقيق ما زال مستمراً, ذَكَرَ < субъект < أَنْ < гап

“Полиция тергов ҳали ҳам давом этаётганини маълум қилди” конструкциясида феъл ахборот манбаи билан мазмун ўртасида боғловчи вазифасини бажаради. Бу қолип ахборотни аниқ ва тизимли шаклда ифода этишга хизмат қилади.

و ذكرت عضو مجلس إدارة البنك المركزي الأوروبي إيزابيل شنابل أمس الثلاثاء أن مخاطر التضخم تميل في الواقع نحو قراءات أعلى ، و أنها لا ترى أي خطر من أن يتعثر نمو الأسعار دون المستوى المستهدف.

(Al-Anba, 2025, September 3, p. 8)

Кеча, сешанба куни, Европа Марказий банки бошқарув кенгаши аъзоси Изабель Шнабель инфляция хавфлари аслида юқорида кўрсаткичлар томон оғишини таъкидлади ва нархлар ўсиши белгиланган мақсад даражасидан пастлаб кетиши хавфи мавжуд эмаслигини билдирди.

– ذَكَرَ فِي الْبَيَانِ أَنَّ الْقَرَارَ نَهَائِيَّ ҳам кенг қўлланилади.

“Баёотда қарор якуний экани қайд этилди” каби мисолларда агентнинг очик

ифодаланмаслиги ахборотни шахсийлаштирмаслик ва институционал холисликни таъминлашга хизмат қилади. Пассив шаклнинг қўлланилиши медиа услубнинг расмийлик даражасини оширади.

يُذكر أن مبادرة عام الحرف اليدوية 2025 تأتي ضمن مبادرة الأعوام الثقافية التي أطلقتها وزارة الثقافة ، التي تحتفي فيها هذا العام بالحرف اليدوية بهدف حفظها و صونها و توثيقها.

(Al-Riyadh, 2025, December 1, p. 13)

Маълум қилинишича, “2025 йил – Қўл ҳунармандчилиги йили” ташаббуси Маданият вазирлиги томонидан йўлга қўйилган маданий йиллар ташаббуси доирасида амалга оширилмоқда. Ушбу ташаббус доирасида бу йил қўл ҳунармандчилигига бағишланиб, уни сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва ҳужжатлаштириш мақсад қилинган.

Функционал-стилистик таҳлил шуни кўрсатадики, ذَكَرَ феъли экспрессивлик жиҳатидан паст даражага эга. أَكَدَ “тасдиқламоқ”, “таъкидламоқ” ёки أَشَارَ “ишора қилмоқ” каби феъллар маълум бир прагматик юкламага эга бўлса, ذَكَرَ ахборотни қўшимча баҳолашсиз етказишга хизмат қилади. Бу хусусият уни ахборот жанридаги матнлар учун қулай воситага айлантиради. Журналист ахборотни баён қилишда ўз муносабатини ифода этмайди, балки маълумот манбасини кўрсатиш билан чекланади.

Таҳлил натижаларига кўра, мазкур феъл مَصادر، تقرير، بيان каби лексемалар билан барқарор бирикмалар ҳосил қилади. ذَكَرَ مَصادر مَطْلَعَة каби қолиплар ахборот манбасининг мавжудлигини кўрсатади, бироқ уни аниқлаштирмайди. Бу эса ахборотнинг ишончлилиги билан бир вақтда манбанинг анонимлигини сақлаш имконини беради. Бундай ҳолат медиа дискурсида ахборотни легитимлаштириш стратегияси билан боғлиқ.

و ذكر البيان: أنه بعد التأكد من صحة المعلومات و تحديد هوية الجناة ، تم تشكيل قوة أمنية المراقبة مواقع البنو، حيث استمرت عملية الرصد لأيام عدة.

(Al-Anba, 2025, September 5, p. 16)

Баёнотда айтилишича, маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқланиб, жиноятчиларнинг шахси аниқланганидан сўнг банклар жойлашган нуқталарни кузатиш учун хавфсизлик кучлари ташкил этилди ва кузатув жараёни бир неча кун давом этди.

و ذكر التقرير إلى أن " الحكومة السورية الحالية أشارت إلى أنها لا تملك معلومات يمكن أن تفسر وجود مثل هذه الجزيئات".

(Al-Anba, 2025, September 3, p. 11)

Ҳисоботда таъкидланишича, “Суриянинг ҳозирги ҳукумати бундай заррачаларнинг мавжудлигини изоҳлаб бера оладиган маълумотларга эга эмаслигини билдирган.

و ذكرت المصادر: و مت ضمن الملفات التي ستطرح على طاولة إجتماعات المحافظين مع قياديي وزارة الداخلية التعامل مع الازدحام المروري و خصوصا في اليوم الأول.

(Al-Anba, 2025, September 5, p. 1)

Манбаларнинг айтишича, ҳокимлар ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари ўртасидаги йиғилишларда муҳокама қилиниши режалаштирилган масалалар қаторида йўллардаги тирбандликни, айниқса биринчи кунда юзага келадиган тирбандликни бартараф этиш масаласи ҳам бор.

Жанр жиҳатдан ذَكَرَ феълининг қўлланилиши турлича намоён бўлади. Хусусан, янгилик жанрига мансуб матнларда мазкур феъл, одатда, фаол нисбатда қўлланиб, институционал субъектлар (вазирликлар, давлат идоралари, халқаро ташкилотлар ва бошқалар) билан бириккан ҳолда келади. Бундай қўлланиш ахборот манбасининг институционал характерини таъкидлаш ҳамда хабарнинг расмий манбага таянишини кўрсатишга хизмат қилади. Таҳлилий ва шарҳловчи материалларда эса ذَكَرَ феъли кўпроқ манбаларга мурожаат қилиш ва интертекстуал алоқаларни шакллантириш воситаси сифатида намоён бўлади. Бу ҳолатда у муаллиф нутқини бошқа ахборот манбалари, эксперт фикрлари ёки расмий баёнотлар билан боғлашга хизмат қилади. Натижада медиаматнда баён этилаётган фикрлар турли ахборот манбаларига таяниш орқали асосланади ва матнда бир нечта нуқтаи назарларнинг параллел равишда тақдим этилиши таъминланади. Расмий баёнотлар ва пресс-релизлар матнида эса мазкур феълнинг мажҳул (пассив) шаклда қўлланиши нисбатан устунлик қилади. Бундай услубий стратегия субъектни фонга суриш орқали ахборотнинг институционал ва расмий характерини кучайтиришга, шунингдек, хабарнинг холис ва нейтрал тарзда тақдим этилишига хизмат қилади. Шу билан бирга, феъл асосан ўтган замонда ишлатилиб, хабар характерига хос хроникалик хусусиятини ифода этади.

Прагматик нуқтаи назардан, ذَكَرَ феъли ахборотни муаллиф шахсиятидан узоқлаштириш вазифасини бажаради. Муаллиф ахборотни бевосита ўз номидан эмас, балки ташқи манба орқали тақдим этади. Бу эса медиа матнларда нейтраллик ва ишончлилик мезонларига мос келади. Шу билан бирга, мазкур феъл матн таркибида мантикий боғловчи вазифасини ҳам ўтайди, яъни ахборот қисмлари ўртасида мазмунан узвийликни таъминлайди.

**Хулоса қилиб айтганда,** бу феъллар араб медиа дискурсида функционал-услубий жиҳатдан муҳим ўрин тутди. Мазкур феъллар медиаматнда ахборот манбасини қайд этиш, нуткий актларни белгилаш, муаллиф позициясини маълум даражада масофалаштириш ҳамда хабарни объективлаштириш вазифаларини бажаради.



Шу билан бирга, улар матннинг структурвий ташкил этилиши маъно бирликларини боғловчи функционал восита сифатида намоён бўлади. Бу феълларнинг фаол қўлланилиши медиакоммуникациянинг институционал табиати билан боғлиқ бўлиб, бунда талқиндан кўра фактлар ва ахборот манбаларини қайд этишга устувор аҳамият берилади. Шу маънода, **قال** ва **ذَكَرَ** феъллари замонавий араб медиадискурсида ахборотни нейтрал ва фактларга таянган ҳолда тақдим этишга хизмат қиладиган, шунингдек, журналистик баёнда коммуникатив масъулият тамойилларини таъминловчи муҳим лингвистик воситалар сифатида намоён бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Akhmedova, D.R. (2019). Stylistic features of speech verbs in Persian newspaper texts. *Fors tilidagi gazeta matnlarida nutq fe'llarining uslubiy xususiyatlari*. Uzbekistan Journal of Foreign Languages, No. 5. – P. 110-120. (in Uzbek)
2. Dobrosklonskaya, T.G. (2008). Media linguistics: A systematic approach to studying the language of mass media. *Medialingvistika: sistemnyy podkhod k izucheniyu yazyka SMI*. – Moscow: Flinta. – 296 p. (in Russian)
3. Kostomarov, V.G. (1974). Linguistic status of mass communication and problems of the “newspaper language”. *Lingvisticheskiy status massovoy kommunikatsii i problemy gazetnogo yazyka*. In: *Psikholingvisticheskiye problemy massovoy kommunikatsii*. – Moscow: Nauka. – P. 48-57. (in Russian)
4. Glomali, Sh.Kh. (2014). Functioning of the speech verbs “to say” and “to tell” in Russian electronic mass media. *Funktsionirovaniye glagolov govoreniya «govorit» i «skazat» v rossiyskikh elektronnykh SMI*. Philological Sciences. Questions of Theory and Practice, No. 12 (42). – P. 214-217. (in Russian)
5. Al-Anba. (2025). Newspaper materials. Issue 17477. – Kuwait. (in Arabic)
6. Al-Anba. (2025). Newspaper materials. Issue 17479. – Kuwait. (in Arabic)
7. Al-Jarida. (2025). Newspaper materials. Issue 6132. – Kuwait. (in Arabic)
8. Al-Jarida. (2025). Newspaper materials. Issue 6034. – Kuwait. (in Arabic)
9. Al-Riyadh. (2025). Newspaper materials. Issue 20939. – Riyadh. (in Arabic)
10. Shura Council of Qatar. (2025). Amir speeches. Retrieved from: <https://www.shura.qa/Pages/General-Secretary/Amir-Speeches/53-Session-Opening>
11. Presidency of Egypt. (2025). Presidential news. Retrieved from: <https://www.presidency.eg/ar/اخبار-رئاسية/قسم-الأخبار/news13102025-7/>